



**“Тасдиқлайман”  
“Фарғонасувқурилишинвест” ДМ**

**Бош муҳандиси**

**О.Абдуллаев**

**2022 й.**

**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун**

**Танлов ҳужжати**

**Фарғона 2022 йил**

## **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРЦНОМА**

### **ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ**

Танлов предмети: Олтиариқ туманида узумчилик бўйича ўзлаштирилаётган ерларга қўшимча 2 та тик қудуқлар қазishi ва мембрана ўрнатиш лойиҳа-смета ҳужжатлари таёрлаш (Гидрогеология ва АПЗ ҳулосалари олиш ичида).

Танлов қиймати ҚҚС билан 31 200 000 сўм. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди. Тўловлар уч босқичда амалага оширилади.

Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.1 Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

1.2 Ишларни бошлаш муддати-аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

### **2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. **“Фарғонасувқурилишинвест” ДМ** (бундан кейин-"Буюртмачи" деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади. Фарғона ш. Ал-Фарғоний кучаси 92 уй Эл.адрес: [far.invest@minwater.uz](mailto:far.invest@minwater.uz)

2.2. Танлов “Буюртмачи томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов Буюртмачи томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, лойиҳа ташкилотлари иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар кўйилади:

3.3. - ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

- танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

- уз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари туғрисидаги маълумотлар;

- танлов объектида уз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

- лицензия, гувоҳнома

- иш стажи эга олий маълумотли қурилиш ёки ирригация мелиорация мутахассислига эга бўлган инженер-техник ходимлар, доимий ишловчи малакали ишчилар мавжудлиги.

- иштирокчи лойиҳа ташкилотининг молиявий ахволи.

- лойиҳд ишларини бажариш учун

агар танлов предмета булган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчилиққа биноан лицензиялаштириши зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

- куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ**

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар "Бунортмачи" ва "Иштарокчи" ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида такдим этилиши мумкин.

4.2. Танлов иштирокчиси:

- факат битта таклиф бериши мумкин;
- такдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тулик жавобгар булади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар уз таклифларини қайтариб олиш ёки узгартириш қиритиш ҳуқуқига эга.

#### **5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5-календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йигилиши қарори асосида амалга оширилади.

- танлов муддатини узайтириш тугрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

#### **6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1 Давлат харидлари тугрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчилиқда белгиланган тартибда жавобгар буладилар

6.2 Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчилиқда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3 Танлов иштирокчиси тавдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тугрилигига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1 Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига узгартишлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йул қуйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига у<sup>зга</sup>ртишлар киритилган санадан эътиборан камида у<sup>н</sup> кунга узайгирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда курсатилган ахборот узгартирилган бўлса, танлов утказиш тугрисидаги эълонга узгартишлар киритилади.

8.2 Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга ҳақли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига дойр тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини узгартирмаслиги керак.

8.3 Таклифларни қуриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган қучирма имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

8.4 Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни қуриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига дойр тушунтиришларни тақдим этиш тугрисида суров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тавдим этиши шарт.

8.5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов ҳужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади.